

“ТАСДИҚЛАНГАН”

“NBU INVEST GROUP” АЖ
ягона акциядори томонидан

ягона акционер вакили,
“Ўзбекистон Республикаси Ташқи
иқтисодий фаолият миллий банки” АЖ
Бошқарув Раиси ўринбосари
Курамбаев А.К.

2023 йил “01” 08
5 -сонли қарор

“РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛГАН”

Ўзбекистон Республикаси
Иқтисодиёт ва молия вазири
ўринбосари
Рахимова Г.

2023 йил “11” сентябр
0835-3 -сон

ТАСДИҚЛАНГАН”

“MULK FARUX DAV” МЧЖ директори

Кадиров О.Б.

2023 йил “01” 08

АКЦИЯЛАРНИНГ ҚЎШИМЧА ЧИҚАРИЛИШИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОР

“NBU INVEST GROUP” акциядорлик жамияти

Идентификация рақами берилди:	R	U	1	0	3	0	8	3	5	T	0
----------------------------------	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---

Эгасининг номи ёзилган, хужжатсиз шаклдаги, номинал қиймати 1 000 (минг) сўм бўлган 37 912 915 (ўттиз етти миллион тўққиз юз ўн икки минг тўққиз юз ўн беш) дона оддий акциялар ёпиқ обуна орқали жойлаштирилади.

Акцияларнинг ушбу чиқарилиши **учинчи** чиқарилишдир.

08 Тасдиқланган: “NBU INVEST GROUP” АЖ ягона акциядорининг 2023 йил 01 даги 5-сонли қарори.

“NBU INVEST GROUP” АЖ ягона акциядорининг 2023 йил 01 08 даги 5-сонли қарори асосида

Эмитентнинг жойлашган жойи: 100060, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Я. Ғуломов кўчаси, 95-уй.

Почта манзили: 100060, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Я. Ғуломов кўчаси, 95-уй.

Мулоқот телефонлари: (+99871) 233-00-79, факс: (+99871) 233-01-57.

Электрон почта манзили: info@nbuig.uz.

Эмитент раҳбари: _____ Ходжаев А.Ш.

Бош бухгалтер: _____ Ахмедов Б.М.

Сана: 2023 йил “01” 08

Қимматли қоғозлар чиқарилишига доир ҳужжатларни тайёрлаш бўйича хизмат кўрсатган инвестиция маслаҳатчисининг номи: инвестиция маслаҳатчиси жалб қилинмаган.

1. Ушбу чиқарилишдаги эгасининг номи ёзилган акциялар тури (оддий ёки имтиёзли): оддий.

2. Ушбу акциялар чиқарилишининг шакли: ҳужжатсиз.

3. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг номинал қиймати (сўм): 1 000 (минг) сўм

4. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг сони (дона): 37 912 915 (ўттиз етти миллион тўққиз юз ўн икки минг тўққиз юз ўн беш) дона.

5. Ушбу чиқарилишнинг умумий ҳажми (сўм): 37 912 915 000,0 (ўттиз етти миллиард тўққиз юз ўн икки миллион тўққиз юз ўн беш минг) сўм.

6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар эгаларининг ҳуқуқлари: Жамият акциядорлари қўйидаги ҳуқуқларга эга:

- Жамият акциядорларининг реестрига киритилиш;
- депо ҳисобварағидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш;
- Жамият фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;
- Жамият тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;
- акциядорларнинг умумий йиғилишларида овоз бериш орқали Жамиятни бошқаришда иштирок этиш;
- Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш;
- олган дивидендини эркин тасарруф этиш;
- қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
- ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;
- ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат ноижорат ташкилотларига бирлашиш;
- қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурта қилиш;
- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари ва Жамият уставига мувофиқ бошқа ҳуқуқлар.

7. Ушбу чиқарилишдаги акцияларни олинишига нисбатан жамият уставидagi ва/ёки чиқарилиш тўғрисидаги қарордаги ҳар қандай чеклашлар: “NBU INVEST GROUP” АЖ ягона акциядорининг 2023 йил 01 августдаги 5-сонли қарори қарорига асосан ушбу чиқарилишдаги акциялар Жамият ягона акциядори – “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамиятига ёпиқ обуна орқали жойлаштирилади.

8. Жамият устав капиталининг миқдори (сўм): Жамият устав фонди миқдори 894 729 315 000,0 (саккиз юз тўқсон тўрт миллиард етти юз йигирма тўққиз миллион уч юз ўн беш минг) сўм.

9. Илгари жойлаштирилган акциялар сони (турлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади): 894 729 315 (саккиз юз тўқсон тўрт миллион етти юз йигирма тўққиз минг уч юз ўн беш) дона эгасининг номи ёзилган, ҳужжатсиз шаклдаги, оддий акциялар.

10. Илгари жойлаштирилган облигациялар сони (турлари ва кўринишлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади): Жамият томонидан корпоратив облигациялар чиқарилмаган.

11. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг шартлари ва тартиби.

11.1. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг усули (очиқ ёки ёпиқ обуна, ёпиқ обуна бўлган тақдирда, шунингдек акцияларни потенциал олувчилар доираси ҳам кўрсатилади): Ушбу чиқарилишдаги акциялар Жамият ягона акциядори – “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамиятига ёпиқ обуна орқали жойлаштирилади.

11.2. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг муддати: Акциялар мазкур акцияларнинг қўшимча чиқарилиши тўғрисидаги қарор давлат рўйхатидан ўтказилганидан сўнг 60 (олтмиш) календарь кун давомида жойлаштирилади.

Акцияларни жойлаштиришни бошлаш санаси – Мазкур акцияларнинг қўшимча чиқарилиши тўғрисидаги қарор давлат рўйхатидан ўтказилган сана.

Акцияларни жойлаштиришни тугатиш санаси – ушбу чиқарилишдаги сўнгги акциянинг жойлаштириш санаси, бироқ, мазкур акцияларнинг қўшимча чиқарилиши тўғрисидаги қарор давлат рўйхатидан ўтказилган санадан бошлаб 60 (олтмиш) календарь кундан ошмаган муддат.

11.3. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг тартиби:

Ушбу чиқарилишдаги акциялар қимматли қоғозларнинг биржадан ташқари ташкиллаштирилмаган (уюлмаган) бозорида “NBU INVEST GROUP” АЖ ва “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамияти ўртасида акцияларни олди-сотди шартномаси (акцияларни жойлаштириш шартномаси) тузиш ва ушбу шартномани ўрнатилган тартибда “Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси” давлат корхонасида ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтказиш орқали жойлаштирилади.

Ушбу чиқарилишдаги акцияларни жойлаштиришда андеррайтерлар жалб қилиниши кўзда тутилмаган.

11.4. Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ва қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олишни амалга оширувчи инвестиция воситачисининг ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўз ичига олган тўлиқ фирма номи, жойлашган жойи, почта манзили, телефони:

Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси:

- **тўлиқ фирма номи:** “Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси” давлат корхонаси;

- **жойлашган жойи ва почта манзили:** 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо-Улуғбек тумани, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 107-уй.

- **телефон рақами:** (+998 71) 267-37-42, (+998 71) 267-35-92.

- **электрон почта манзили:** info@deponet.uz.

Қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олишни амалга оширувчи инвестиция воситачиси: инвестиция воситачиси жалб қилинмаган.

11.5. Ушбу чиқарилишдаги жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби: Ушбу чиқарилишдаги акциялар Жамият ягона акциядори – “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамиятига ёпиқ обуна орқали жойлаштирилаётганлиги сабабли уларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқ кўзда тутилмаган.

11.6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби: Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг ҳар бири номинал қийматда – 1 000 (минг) сўмдан жойлаштирилади.

11.7. Акцияларни тўлаш шартлари ва тартиби: “NBU INVEST GROUP” АЖ ягона акциядорининг **2023 йил 01 августдаги 5-сонли** қарори қарорига асосан ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг:

- 6 995 280 донаси Жамият ягона акциядори томонидан номинал қиймат бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 19 октябрдаги 583-ф-сонли фармойишига асосан 2022 йил 30 ноябрдаги қабул қилиш-топшириш далолатномаси билан Жамият устав фондига берилган Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бешёғоч кўчаси, 1-уй манзилида жойлашган бино-иншоот шаклида тўланган;

- 30 917 635 донаси Жамият ягона акциядори томонидан 2023 йил 10 майдаги қабул қилиш-топшириш далолатномаси билан Жамият устав фондига берилган Тошкент шаҳри, Мирзо-Улугбек тумани, Оққўрғон кўчаси, 20-уй манзилида жойлашган бино-иншоот шаклида тўланган.

Ушбу чиқарилишдаги акциялар учун тўлов сифатида киритилаётган Тошкент шаҳри, Мирзо-Улугбек тумани, Оққўрғон кўчаси, 20-уй манзилида жойлашган бино-иншоотни баҳолаш учун қуйидаги баҳолаш ташкилоти жалб қилинган:

бино-иншоот бозор қийматини аниқлаш учун жалб қилинган баҳолаш ташкилоти тўғрисида маълумот:

- тўлиқ фирма номи: “MULK FARUX DAV” масъулияти чекланган жамияти;
- қисқартирилган фирма номи: “MULK FARUX DAV” МЧЖ;
- жойлашган манзили: Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, Караташ кўчаси, 3-уй;
- лицензияни берган давлат органи, рақами ва берилган санаси: Ўзбекистон Республикасининг Тошкент вилояти баҳолаш жамияти томонидан 2022 йил 1 июлда 07001-рақам билан берилган.

- баҳолаш фаолиятини амалга ошириш учун лицензиянинг амал қилиш муддати: муддати чекланмаган.

Баҳолаш ҳисоботини экспертизадан ўтказиш учун қуйидаги баҳолаш ташкилоти жалб қилинган:

- тўлиқ фирма номи: “OSIYOEXPERT” масъулияти чекланган жамияти;
- қисқартирилган фирма номи: “OSIYOEXPERT” МЧЖ;
- жойлашган манзили: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Мукими кўчаси, 156-уй, 14-хонадон;

- лицензияни берган давлат органи, рақами ва берилган санаси: Ўзбекистон Республикасининг Баҳолаш жамияти томонидан 2021 йил 23 ноябрда АЖ-0060-рақам билан берилган.

- баҳолаш фаолиятини амалга ошириш учун лицензиянинг амал қилиш муддати: Муддати чекланмаган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 19 октябрдаги 583-ф-сонли фармойишига асосан:

(а) Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бешёғоч кўчаси, 1-уй манзилида жойлашган бино-иншоот “NBU INVEST GROUP” АЖга унинг устав фондидаги “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” акциядорлик жамияти улушини ошириш ҳисобига баланс қийматида бериш;

(б) “NBU INVEST GROUP” АЖ устав фондини бино-иншоотнинг баланс қиймати ҳамда уни устав фондига беришда вужудга келадиган қўшилган қиймат солиғи миқдорига ошириши белгиланганлиги сабабли, ушбу чиқарилишдаги акциялар учун тўлов сифатида киритилаётган Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бешёғоч кўчаси, 1-уй манзилида жойлашган Халқаро банк ва молия маркази бино-иншооти баҳоланмади.

11.8. Ушбу акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда эмитент томонидан акциялар тўлови сифатида олинган воситаларни қайтариш тартиби: Ушбу акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда, Жамият ушбу факт (қимматли қоғозлар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилганлиги, 28-сонли муҳим факт) тўғрисидаги расмий хабарни Жамият веб-сайтида (www.nbuig.uz) ва ягона корпоратив ахбарот порталида (www.openinfo.uz) эълон қилади.

Акцияларни тўлаш учун қўйилган активлар Жамият томонидан акцияларнинг ушбу чиқарилиши ҳақиқий эмас деб топилган кундан эътиборан 5 (беш) банк куни ичида белгиланган тартибда қайтарилади.

12. Эмитент томонидан қимматли қоғозлар чиқарилиши (қўшимча чиқарилиши) тўғрисидаги ахборотни Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ошкор қилиш тартиби: Мазкур акцияларнинг қўшимча чиқарилиши тўғрисидаги қарор рўйхатга олинганидан кейин қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги қонунчиликда белгилаб ўтилган бандлари ягона корпоратив ахборот порталида (www.openinfo.uz) ва Жамият веб-сайтида (www.nbuig.uz) ошкор қилинади.

Мазкур акцияларнинг қўшимча чиқарилиши тўғрисидаги қарорнинг асли нусхаси билан 100060, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Я. Ғуломов кўчаси, 95-уй манзилида ҳамда ва электрон нусхаси билан Жамият веб-сайтида (www.nbuig.uz) танишиш мумкин.

13. Бошқа маълумотлар:

13.1. Эмитентнинг тўлиқ ва қисқа номи:

- тўлиқ номи – “NBU INVEST GROUP” акциядорлик жамияти.
- қисқа номи – “NBU INVEST GROUP” АЖ.

13.2. Эмитентни рўйхатга олган давлат органи, давлат рўйхатига олинган сана ва рақам: Миробод туман Давлат хизматлари маркази, 2008 йил 31 март, 003661-10-сон.

13.3. Эмитентнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли – Акциядорлик жамияти.

13.4. Статистика органларида рўйхатдан ўтганлиги:

- юридик шахснинг коди (КТУТ) – 22355407;
- асосий фаолият тури (ИФУТ) – 66190;
- мулкчилик шакли (МШТ) – 144;
- ташкилий-ҳуқуқий шакли (ТХШ) – 153;
- манзили бўйича хос рақами (МХОБТ) – 1726273.

13.5. Солиқ органининг номи ва СТИР коди: Миробод туман Давлат солиқ инспекцияси, СТИР: 206956121.

ПРОНУМЕРОВАНО И ПРОШНУРОВАНО
5 (ПЯТЬ) ЛИСТОВ.

ХОДЖАЕВ А.Ш.
ПРЕДСЕДАТЕЛЬ ПРАВЛЕНИЯ
АХМЕДОВ Б.М.
ГЛАВНЫЙ БУХГАЛТЕР

